

Мунофиқ бўлиб қолмадимми?

03:10 / 19.03.2017 7551

Савол:

Ассалому алайкум шайх Муҳаммад Содиқ ҳазратлари, сизга Аллоҳдан соғлиқ саломатлик тилаб қоламан.

Анча ойлардан бери қалбимда бўлаётган ўзгариш яъни иймонимни бир тўлиб тошиши базан пасайиб кетиши, ибодатдаги ҳаловатимни ўзгариши баъзида ҳаловатни сезилмаслиги баъзида эса мириқиб ҳаловат билан ибодатни адо қиламан. Мени қўрқитаётган нарса мунофиқ бўлиб қолмадимми, деб ўйлаб қоламан. Баъзан ундоқ, баъзан эса уни акси, гоҳида гуноҳ иш қилаётганимни билсамда, у ишда давом етиб қоламан. Хуллас қалбимдаги иймон ҳаловати ўзгариб туради. Бу мунофиқлик эмасми? Шундай бўлса ундан қутилиш йўлини айтсангиз ва дуо қилсангиз! Аллоҳ сиздан рози бўлсин!

Жавоб:

? - ?????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????:

«??? ??? ???? ?????? ??????»

«?????????, ??, ?????????!»—????.

«????????? ?????????? ??????», ??????

«????????????????! ??? ???? ?????????????!»—????.

«????????????? ?????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ?????????????? ? ??? ?????? ?????? ?? ?????????? ??????????????. ???????, ??? ??????? ?????? ?????????? ??????????. ?????? ? ??????? ?????????????? ??????????????, ?????? ?????????????, ?????????? ?? ??? ?????? ?????????, ??? ??????? ??????????», ??????

«????????? ?????????, ??? ??? ?????? ?????? ?????????!»—???? ??? ?????. ??? ??? ?????? ?????? ?????????? ?????????????? ?????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??????» ???, ?????? ??????????

Ҳанзала ал-Асадий розияллоху анҳудан ривоят қилинади(У Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг котибларидан бўлган эди).

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Ҳанзала мунофиқ бўлди», дедим.

«Нима учун?» - дедилар.

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Сизнинг ҳузурингизда бўлганимизда дўзах ва жаннатни бизга эслатасиз. Ҳаттоки, биз кўзимиз билан кўргандек бўламиз. Сизнинг ҳузурингиздан чиққанимизда жуфти ҳалолларга, болаларга ва молу мулкка аралашиб, кўп нарсани нутамиз», дедим.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, агар менинг ҳузуримда бўлган ҳолингизда бардавом бўлсангиз, албатта, мажлисларингизда, йўлларингизда ва тўшакларингизда сизлар билан фаришталар қўл бериб кўришар эдилар. Лекин, эй Ҳанзала, бир соат ундоқ, бир соат бундоқ, бир соат ундоқ, бир соат бундоқ», дедилар».

Ана шунда васатийликка амал қилинган бўлади.

Аллоҳ таоло инсоннинг чин инсон бўлишини хоҳлайди. Унинг фаришта бўлишини ҳам, ҳайвон бўлишини ҳам хоҳламайди. Аллоҳ инсонга ҳам ҳайвоннинг, ҳам фариштанing хусусиятларидан берган. Жисм, емоқ-ичмоқ, жинсга эҳтиёжлар ҳайвонлик сифатларидир.

Руҳонийлик, ақл, тоат, ибодатга лаёқатлилик фариштанing сифатларидир. Фаришталик сифатлари ҳайвонлик сифатларидан устун бўлиб, шариат йўлида юрган инсон фариштадан устундир.

Ҳайвонлик сифатлари фаришталик сифатларидан устун бўлиб, еб-ичиш, жинс, дунё ташвишидан бошқани билмаган инсон ҳайвондан бадтардир.

Ислом инсоннинг ҳайвонлик даражасига тушишига рози эмас. Шунингдек, уни фаришталик даражасига кўтарилишга мажбур ҳам қилмайди, даъват ҳам этмайди. Ислом инсондан чин инсон бўлишни талаб қилади, холос.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ